

Ҳ У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил декабрь ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлиси бўлиб,

Раислик қилувчи судья М.Омонов, халқ маслаҳатчилари М.Шукурова ва Н.Тураевалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси И.Эсонбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Гулистон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Б.Ахмедов, судланувчи Ф.Усманов ва унинг ҳимоячиси “НИМОҲАСНІ YULDUZ” адвокатлик бюроси адвокати Ю.Хазратқулованинг иштирокида, Усманов Фахритдин Қурбонбоевичга нисбатан 1-1201-2103/164-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Усманов Фахритдин Қурбонбоевич (Usmanov Faxritdin Qurbonboyevich), 1969 йил 22 май куни Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2000 йил 29 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонининг 3 бандига асосан жазони қолган қисмини ўташдан 2003 йил 23 декабрь куни озод қилинган, давлат мукофотлари олмаган, депутат бўлиб сайланмаган, мавсумий ишчи, Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, Совет қишлоғида яшовчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида 2006 йил 21 июль куни “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 17 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 222-моддаси 2-қисми “в” банди, 246-моддаси 2-қисми, 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчини сўроқ қилиб, гувоҳларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жумладан, Усманов Фахритдин Қурбонбоевич муқаддам судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлишига қарамасдан,



фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, олдиндан таниши бўлган қонуний никоҳдан ўтмаган турмуш ўртоғи И.Долженко билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўла туриб, қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш ва божхона назоратини четлаб, қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларни олиб кириб, сотиш жиноятларини содир этган.

Жумладан, 2006 йил 18 июль куни соат тахминан 13:00ларда, Сирдарё вилоят Божхона бошқармаси томонидан, Янгиер шаҳар ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда, Янгиер шаҳар, 36-мавзеда фуқаро Ф.Усманов ва Н.Ямалиевалар, Тожикистон Республикасидан контрабанда йўли билан олиб келинган, 553,44 грамм гиёҳванд воситасини олдиндан таниши бўлган, Ямалиева Наилия Амировна билан 3500 АҚШ долларга қонунга хилоф равишда сотмоқчи бўлган вақтларида қўлга олинган.

Фуқаро Ф.Усмановдан қора рангли целофан пакетда оқиш рангли, ўткир ҳидли, порошоксимон модда, яъни гиёҳванд воситаси борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Далилий ашё сифатида олинган, оқ-сарик рангли, кукунсимон модда Сирдарё вилояти, ИИБ ЭКБнинг 2006 йил 18 июль кунги 174-сонли хулосасига кўра, 553,44 грамм оғирликдаги “героин” гиёҳвандлик воситаси эканлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Ф.Усманов касаллиги сабабли, қўриқлов остида, Янгиер шаҳар, марказий шифохонасида даволанаётганда, уни қўриқлаш учун борган, 13-сонли тергов ҳибсхонаси масъул ходимлари, Пайзиматов Бобомурод Мўминович ва Маматмуродов Каримқул Абдиевичларни ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни бажаришга тўсқинлик қилиш мақсадида, қонуний никоҳдан ўтмаган турмуш ўртоғи И.Долженко билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўла туриб, ноқонуний турмуш ўртоғи И.Дольженко уларнинг овқатланиши учун «Борш» овқатини тайёрлаб олиб келган, ушбу овқатни олиб келиб, уни ичига «Димедрол» дорини кўшиб, овқатлантириши натижасида, овқатланиб бўлишгандан сўнг, назоратчилар Б.Пайзиматов ва К.Маматмуродовлар ухлаб қолганлиги туфайли, маҳбус Ф.Усмонов 2006 йил 19 август куни даволанаётган жойидан номаълум томонга қочиб кетиб, қасддан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан, яъни қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочган.

Судланувчи **Усманов Фахритдин Қурбонбоевич** суд мажлисида, айбига қисман иқrorлик билдириб, 2000 йилда гиёҳвандлик воситасини сотиш жиноятини содир этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан судланганлигини, жазодан амнистия актига асосан тўлиқ ўтаб бўлганлигини, 2006 йилда бўлган воқеаларни тўлиқ эслай олмаслигини, 2006 йил 18 июль куни у ўзининг таниши Қозоғистон Республикаси фуқароси Юрий Качургани Қозоғистон Республикасига



кузатиш учун Янгиер шаҳрига келаётган вақтида, холаси Ямалиева Наиля унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, бир уйга кириб кет деб маълум қилганлигини, сўнг, у Юрий билан Янгиер шаҳридаги холасиникига кирганлигини, унга нотаниш бўлган аёллар борлигини, холаси унга ушбу икки нафар аёлларни кўрсатиб, Тошкентдан келган харидорлар эканлигини, гиёҳвандлик воситаларини сотиб олишини, унга ҳам пулидан беришини маълум қилганлигини, уларнинг қанча миқдорда сотиб олиши ёдида йўқлигини, у аёллар билан чиқиб ташқарида турган “Нексия” автомашинаси олдида бориб, автомашинага ўтириб ва автомашинада унга нотаниш бўлган уч нафар эркаклар билан гаплашганлигини, ушбу уч нафар йигитлар унга “героин” гиёҳвандлик воситаси топиб беринг, сотиб оламиз деб маълум қилганлигини, сўнг улар билан қанча пулга келишганлиги ёдида йўқлигини, сўнг у Ховос шаҳарчасига бориб, “Расул” деган ўртоғидан “героин” гиёҳвандлик воситаси бўлса бер, сотиб пулини олиб келиб бераман деб айтганлигини, у унга қора целофан пакетда 700 грамм деб “героин” гиёҳвандлик воситаси берганлигини, у ушбу “героин” гиёҳвандлик воситасини олиб, Янгиер шаҳрига келганлигини, Янгиер шаҳрида у ўша унга нотаниш бўлган уч нафар “Нексия” русумли автомашинада ўтирган харидор шахсларга 700 грамм миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини берганлигини, улардан лекин пул олмаганлигини, ушбу ундан 700 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини олган шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари эканлигини, ўша ерда улар уни қўлига қўл кишани тақиб, уни Гулистон шаҳрига олиб келишганлигини, уни Гулистон шаҳрида тергов қилишиб, ўша ерда ҳужжатлар расмийлаштиришганлигини, сўнг унга “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганлигини, кўп вақт ўтганлиги сабабли у аниқ саналарини эслай олмаслигини, Гулистон шаҳар ВСХдан уни Ховос қўрғонидаги 13-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштиришганлигини, у Ховос қўрғонидаги 13-сонли тергов ҳибсхонасида сақланаётган вақтида, ўнг оёғи шишиб, йиринглаб кетганлиги сабабли, уни Янгиер шаҳар шифохонаси йирингли жарроҳлик бўлимига олиб бориб ётқизишганлигини, Янгиер шаҳар шифохонасида даволанаётган вақтида, Сирдарё вилояти, Миллий хавфсизлик хизмати терговчиси уни олдида келиб, тергов яқунланганлигини, жиноят ишини прокуратурага жўнатишини маълум қилиб, унга расмийлаштирилган ҳужжатларга имзо қўйдирганлигини, ўша кунларда даволанаётганлиги сабабли унинг барча ҳужжатларига имзо қўйиб берганлигини, у Янгиер шаҳар шифохонасида ётиб даволанаётган вақтида, унга ҳар куни Ховос қўрғонидаги 13-сонли тергов ҳибсхонасидан икки нафар ходимлар келиб қўриқлаганлигини, ҳар куни унга қариндошлари навбат билан овқат олиб келишганлигини, 2006 йил 19 август куни у шифохонада ётган вақтида, қўриқлаш учун Ховос қўрғонидаги 13-сонли тергов ҳибсхонаси ходими Маматмуродов Карим ва яна бир нафар унга нотаниш бўлган, кейинчалик тергов давомида билишича Пайзиматов



Бобомуродлар келишганлигини, кечки овқатланиш пайтида уни шаръий никоҳдаги Долженко Ирина кечки овқатга карам шўрва олиб келганлигини, ходимлар ташқарига чиқишган вақтида, Долженко Иринага у 1000 сўмлик пулларга майдаланиб ўралган ҳолатда бўлган, “Димедрол” дори воситасини берганлигини ва унга овқатга қўшишини айтганлигини, сўнг Ирина ушбу дорини ходимлар учун карам шўрвага қўшиб қўйганлигини, ходимлар ушбу карам шўрвани ичиб бўлишганидан сўнг, Ирина идиш товоқларни йиғиштириб кетганлигини, сўнг у ходимларни ухлашини кутиб ётганлигини, уни бир қўли ётоқ кроватига кишанланган ҳолатда турганлигини, Карим иккинчи беморни ётоғида ётиб ухлаганлигини, иккинчи ходим Бобомурод учинчи беморни ётоғига ётиб ухлаб қолганлигини, соат тахминан 00:30ларда у секин туриб, Каримнинг олдига ётоқни судраб бориб, унинг чўнтагидан қўл кишан калитини олиб, қўл кишанини ечганлигини, сўнг у қўлтиқ таёқда шифохонадан юриб чиқиб кетганлигини, у чиқаётган вақтида ҳеч ким кўрмаганлигини, катта дарвозадан чиқиб қараса, бир автомашина турганлигини, ушбу автомашина билан Янгиер шаҳар автостанциягача бориб, ўша ердан Янгиер шаҳар автостанциясидан Сирдарё туманига бошқа автомашинада етиб олганлигини, тонг пайтида у Сирдарё туманидан Қозоғистон Республикаси билан чегара ҳудудидан, пост орқали паспорти билан ҳужжатлар асосида Қозоғистон Республикасига ўтиб кетганлигини, у шу билан Қозоғистон Республикаси, Алмота шаҳрига бориб, ўша ерда ишлаб юрганлигини, 2009 йил у гиёҳвандлик воситасини ташиш жиноятини содир этганлиги сабабли, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 259-моддаси билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлигини, 2018 йил унинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилиб, 2021 йил 1 март кунига қадар озодликдан чеклаш жазоси билан пробация назоратига олинганлигини, 2021 йил 1 март куни жазосини тўлиқ ўтаб бўлиб, 2021 йил 18 март куни экстрадиция қамоғи билан уни Алмота шаҳридаги ҳужжати мавжуд бўлмаган шахсларни сақлаш жойига жойлаштиришганлигини, сўнг уни Сирдарё вилояти ИИБ ходимлари Ўзбекистон Республикасига экстрадиция қилиб олиб келишиб, 8-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштиришганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, бошқа жиноятга қўл урмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган далиллар, хусусан дастлабки тергов ва муқаддам шу иш бўйича бошқа айбдорларга нисбатан ўтказилган суд мажлисларида сўроқ қилинган айбдорлар, гувоҳлар кўргазмалари билан ўз исботини топади.

Жумладан, мазкур жиноят иши бўйича муқаддам сўроқ қилинган марҳума **Ямалиева Наиля Амировна** ўзининг дастлабки тергов берган кўрсатувларида, 2006 йил 18 июль куни унинг жияни Фахритдин билан



бирга унинг Юра исмли дўсти унинг Янгиер шаҳар, Саркисов кўчаси, 10-уй, 62-хонадонига келганлигини, соат тахминан 12:00ларда Юрани хонадонда қолдириб, Фахритдин билан кўчага чиққанлигини, кўчада Нексия русумли машинадан икки киши тушиб, чеккароққа кетишганлигини, жияни Фахритдин уларга яқинлашиб, улар билан гаплашганлигини, сўнг, Фахритдин бир жойга кетганлигини, у ердан тахминан ярим соатдан кейин қайтиб келганлигини ва ўша одамларга қандайдир посилка берганлигини, у ерда нима борлигини билмаслигини, улар Фахритдин билан машинага ўтирганларида, ўша эркаклар билан жанжал бошланганлигини, у четда эканлигига қарамай, улар уни ҳам ҳибсга олишганлигини, жияни Фахритдин ўша одамларга героин сотганини билганлигини, уларни ушлаб турган одамлар ўзларини божхона ходимлари деб таништиришганлигини, шахсан, Фахритдин унга ўша одамларга “героин” беришини айтмаганлигини, Юра жияни Ф.Усмановнинг дўсти бўлганлигини билдирган;

Муқаддам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Качура Юрий Николаевич** ўзининг кўрсатувларида, 2006 йилнинг июнь ойи бошида у Қозоғистон Республикаси, Павладар вилояти, Экибастуз шаҳридан, унга беш йилдан бери таниш бўлган Паша исмли одам билан, гиёҳвандлик моддалари савдогари сифатида учрашганлигини, суҳбат чоғида у солиқлар ва йиғимлар вазирлигига у рози бўлган ҳақ тўлаш учун наркотик моддаларнинг сифатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасига боришни таклиф қилганлигини, кейин у унга уяли қурилмасини берганлигини, унга Сирдарё вилояти, Уздунорбита станциясига 783497 СИМ карта қўйилганлигини ва Янгиерда Фахритдин исмли киши билан учрашиш учун кўрсатма берганлигини, у 6 июнь куни ўтиб кетаётган Нексия машинасида Чимкент шаҳридан чиқиб, кундузи соат 15:00ларда Черняевкага етиб келганлигини ва чегарани кесиб ўтганлигини, у ерда ҳеч ким ундан ҳужжатларни сўрамаганлигини, чегарани кесиб ўтганини ҳеч ким пайқаманлигини, чунки бу машинанинг ҳайдовчиси ундан 2000 тангани олиб, рўйхатдан ўтказмасдан ва чекларсиз ўтказиб юборганлигини, у ердан у 788778 телефон рақами билан Фахриддинга қўнғироқ қилиб ва қозоқ-ўзбек чегарасини кесиб ўтганлигини, Ўзбекистон ҳудудига кирганини айтганлигини, тахминан ярим соатдан кейин унга машина келганлигини, ўша машинада у Янгиерга борганлигини, у Янгиерга келганида, ўша куни соат тахминан 19:00 бўлганлигини, Фахритдин исмли одам уни Янгиер автовокзалида кутиб олганлигини, улар учрашганида, Паша уни Экибастуз шаҳридан юборганини айтганлигини, шунда у намуна оламан ва Қозоғистонга, Пашага юборилган героин ва опий-ханка наркотикларининг сифатини аниқлайман деганлигини, Фахриддин билан деб жавоб берганлигини, ўша пайтдан бошлаб 18 июлгача у бир неча бор Тожикистон Республикасидаги бир аҳоли пунктига Фахриддин билан ўтганлигини, у ерда улар Фахриддиннинг Нўмон, Фаррух ва Наби исмли танишлари билан учрашганлигини, аммо у ердан ҳеч нарса олиб



қайтмаганлигини, 18 июль куни Фахритдин билан биргаликда Янгиерга келганлигини, у Неиля исмли холасининг квартирасига олиб келганлигини, у ерда қол деганлигини, у Наилянинг уйига полиция ва божхона ходимлари келган вақтида, ухлаб қолганлигини, кейин билса, божхона ва милиция ходимлари Янгиер шаҳрида бир гуруҳ героин сотаётган пайтда Фахритдин ва унинг холаси Неилани ушлаб олиб кетишганлигини билдирган;

Муқаддам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Абдуллаев Шухрат Хикматуллаевич** ўзининг кўрсатувларида, Божхона тизимида хизмат қилиб келишлигини, 2006 йилнинг 17 июль куни ДБҚ раҳбарият хабардорлигида, илгаридан олинган тезкор маълумот асосида ўтказилмоқчи бўлган тадбирда иштирок этиш учун Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрига келганлигини, олинган тезкор маълумотга кўра Янгиер шаҳрида яшовчи, тахминан ёши 50-52ларда бўлган Нейла исмли аёл ўзининг «Фахриддин» исмли, ёши 30-35ларда бўлган жияни билан Тожикистон Республикасидан “героин” моддаси олиб келиб, сотиш билан шуғилланишлигини, ушбу тезкор маълумот асосида Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида ҳамкасблари Э.Усмонов, О.Чориев ва бошқалар иштирокида 2006 йилнинг 18 июль куни соат 13:00лар чамасида тадбир ўтказилганлигини, ўтказилган тадбир жараёнида ДБҚ раҳбарияти хабардорлигида ходимларидан Э.Усмонов ҳамда О.Чориевлар «харидор» сифатида наркотик моддасини харид қилиш бўйича жалб қилинганлигини, тадбир натижасида Усманов Фахриддин Қурбонбоевич исмли шахс қўлга олинганлигини, ундан далилий ашё сифатида “Героин” гиёҳванд моддасига ўхшаш нарса ҳақиқатдан ҳам “Героин” гиёҳванд воситаси эканлигини, унинг соф оғирлиги 553,44 грамм эканлигини суриштирув жараёнида билганлигини билдирган;

Муқаддам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Усмонов Элмухаммад** ўзининг кўрсатувларида, у Божхона тизимида хизмат қилганлигини, 2006 йилнинг 17 июль куни ДБҚ раҳбарияти хабардорлигида, Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили Шухрат Абдуллаевнинг маълумотига асосан тадбир ўтказиш учун юборилган гуруҳ билан бирга Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида яшовчи тахминан ёши 50-52ларда бўлган Нейла исмли аёл ўзининг «Фахриддин» исмли, ёши 30-35ларда бўлган жияни билан Тожикистон Республикасидан героин моддаси олиб келиб сотиш билан шуғулланаётганлиги баён қилинганлигини, у билан бирга ҳамкасби, Тошкент вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши кураш бўлими, муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили Чориев Отабек билан харидор сифатида тадбирга жалб қилинганлигини, 2006 йилнинг 18 июль куни ишончли шахслар орқали Янгиер шаҳрида яшовчи «Нейла» исмли аёл билан, у истиқомат қилувчи уйга яқин бўлган автомашиналарни ювиш жойи олдида, соат 9:30лар чамасида учрашганлигини, у билан қилган суҳбат чоғида гиёҳвандлик воситаси қишлоқда эканлигини, уни жияни «Фахриддин» олиб келишини, нархи



юзасидан ўзи билан гаплашиши кераклигини “Нейла” такидлаб ўтганлигини, у ҳозир «Фахриддин»га телефон қилишини, улар шошилмасдан Янгиер бозорида нонушта қилиб олиши мумкинлигини айтганлигини, нонушта қилиб бўлганларидан кейин унга телефон қилишини, «Фахриддин» келгандан сўнг у билан учраштириши ҳақида тўхталиб ўтганлигини, улар нонушта қилгани Янгиер шаҳрининг деҳқон бозори ёнидаги, тамаддихоналарнинг бирига кетганлигини ва у ерда тахминан бир соатлар бўлганлигини, тахминан 10:30ларда улар «Нейла»га у берган 726497 рақамига телефон қилиб, қачон учрашишларини сўраганлигини, у эса ҳали «Фахриддин» қишлоқдан етиб келмаганлигини айтганлигини, улар ҳар ярим соатлар чамасида «Нейла» нинг уйига телефон қилиб турганлигини, тахминан 12:20ларда у «Фахриддин» «товар»ни олиб келганлигини, унинг миқдори қанча эканлигини билмаслигини, бу ҳақда фақат «Фахриддин»дан билиб олишлари мумкинлигини айтганлигини, улар эрталаб келган автомашиналар ювиш жойи яқинига борганлигини, у ерда «Нейла» билан уларга нотаниш бўлган 30-35 ёшлардаги бир йигит турганлигини, улар автомашинадан тушиб уларнинг олдига, борганида, «Нейла» йигитни уларга «Фахриддин» деб таништирганлигини ва у билан суҳбатлашишлари мумкинлигини айтганлигини, улар «Фахриддин» билан суҳбатлашиш чоғида, у 700гр. қора дори ва 700гр. героин гиёҳвандлик моддаси борлиги айтиб нархини келишса олиб келиб беришлигини айтганлигини, кейин «Фахриддин» билан 4800 АҚШ долларига юқоридаги 700гр қора дори ва 700гр героин моддасини олишга келишганлигини, Фахриддин 10-15 дақиқада олиб келиб бераман деб кетганлигини, тахминан 40 дақиқалардан кейин Фахриддин қўлида қора целофан пакет билан уларнинг олдига келиб, қора дори йўқлигини, лекин 700гр героин гиёҳвандлик моддасини олиб келиб, 3500 АҚШ долларига сотишини айтганлигини ва целофан пакетини очиб кўрсатганлигини, шу пайт ушбу модда ҳақиқатдан ҳам героин гиёҳванд моддасига ўхшаш порошоксимон, ўзига хос ўткир ҳидли модда эканлигини билганларидан сўнг улар Фахриддинни героин гиёҳванд моддаси билан ашъвий далил сифатида қўлга олганлигини, сўнг ушбу ҳолат бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун Сирдарё вилояти божхона бошқармасига олиб келиб, холислар иштирокида далилий ашъни “Yag Zha” маркали тарозида ўлчаганлигини, қоғоз ўрами билан 555 гр. ни ташкил этганлигини, ушбу ҳолат бўйича холислар иштирокида ҳужжатларни расмийлаштириб, суриштирув ишлари бўлимига тақдим этганлигини билдирган;

Муқаддам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган О.Чориев гувоҳ Э.Усмановнинг кўрсатувида ўхшаш бир хил кўрсатув берган;

Шунингдек, ишда йиғилган далиллар, жумладан кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси билан 156-157 и.в., Сирдарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 2006 йил 18 июль кунги судга оид кимёвий экспертизасининг 174-сонли



хулосасига кўра иш бўйича далилий ашё сифатида олинган, оқ-сарик рангли кукунсимон модда 553,44 грамм оғирликдаги «ГЕРОИН» гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланганлиги билан 176 и.в. тўлиқ ўз исботини топди.

Судланувчи Ф.Усмановнинг жуда кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиш, сотиш ва бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочишда ифодаланувчи хатти-ҳаракатлари ЖКнинг 222-моддаси 2-қисми “в” банди, 246-моддаси 2-қисми, 273-моддаси 5-қисми билан тўғри малакаланган.

Суд, судланувчи Ф.Усмановга нисбатан содир этган жинояти учун жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини яъни айбига қисман иқрор ва пушаймонлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, муқаддам судланганлиги ва жазони ўтаб чиққанлигидан тегишли хулоса чиқармасдан яна қасддан ўта оғир жиноят содир қилганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, Қарорини 37-бандида, “Судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақида тушунтиришларидан келиб чиқиб, содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, бир гуруҳ томонидан содир қилинганлигини инобатга олиб, судланувчи Ф.Усмановга содир этган жиноятлари учун қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида тайинлашликни лозим топди.

Суд судланувчи Ф.Усмановнинг муқаддам ўта оғир, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги учун суд ҳукмига кўра, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанидан сўнг, яна мазкур ўта оғир жиноятларни содир қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 2-қисмининг



“а” бандига кўра, судланувчи Ф.Усмановни ўта хавфли рецидивист деб топишни лозим топади.

Гарчанд, судланувчи Ф.Усмонов томонидан мазкур жиноятлар 2006 йилда содир этилган бўлиб, шундан сўнг бир неча маротаба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “...амнистия тўғрисида”ги Қарорлари эълон қилинган бўлса-да, бироқ Ф.Усмонов муқаддам судланиб суд томонидан тайинланган жазодан амнистия тартибида озод қилинганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “...амнистия тўғрисида”ги Қарорларини тадбиқ этмасликни лозим топади.

Суд шунингдек судланувчи Ф.Усмановни Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига олиб келиш учун сарфланган харажатларни ундириш ҳақидаги даъвони муҳокама қилиб, уни қаноатлантиришни ва судланувчи Ф.Усмановдан Ўзбекистон Республикаси ИИВ фойдасига 32.026.851 (ўттиз икки миллион йигирма олти минг саккиз юз эллик бир) сўм ундиришни лозим топди.

Шунингдек, суд ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 553,44 грамм оғирликдаги «ГЕРОИН» гиёҳвандлик воситаси жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2006 йил 15 сентябрдаги ҳукмига кўра белгиланган тартибда йўқ қилинганлигини инобатга олишни лозим топади.

Суд ҳайъати, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2006 йил 15 сентябрдаги ҳукмига кўра, мазкур жиноят иши бўйича Ямалиева Наилия Амировна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,246-моддаси 2-қисми, 25,273-моддаси 5 қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, И.Долженко Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддаси 2-қисми билан айбланиб жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг 2006 йил 19 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-банди “а” кичик банди, 2,6-бандларига асосан иш юритишдан тугатилганлигини эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

ҳ у к м қ и л а д и:

Судланувчи **Усманов Фахритдин Қурбонбоевич** (Usmanov Faxritdin Qurbonboyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 246-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли топилсин.



Ф.Усмановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддаси 2-қисми “в” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 2-қисми билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддасининг 5-қисми билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил, 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Ф.Усмановни 2006 йил “21” июль кунидан 2006 йил “19” август кунига қадар шу иш юзасидан 28 кун қамоқда сақланган ҳар бир куни озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилсин ҳамда Ф.Усмановга ўташлик учун 11 (ўн бир) йил 11 (ўн бир) ой 2 (икки) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 2-қисми “а” бандига асосан Ф.Усманов ўта хавfli рецидивист деб топилсин.

Жазо махсус тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 18 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Ф.Усмановга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ф.Усмановнинг Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига олиб келиш учун сарфланган харажатларни ундириш ҳақидаги даъво ариза қаноатлантирилсин.

Ф.Усмановдан Ўзбекистон Республикаси ИИВ фойдасига 32.026.851 (ўттиз икки миллион йигирма олти минг саккиз юз эллик бир) сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят жиноят ишлари бўйича судига апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.Омонов

Халқ маслаҳатчилари:

(имзо)

М.Шукурова

(имзо)

Н.Тураева

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлар бўйича

Гулистон шаҳар судининг судьяси

М.Омонов

